

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИГЛАРДА УРУШ МОТИВЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ БИРЛИКЛAR

Тұлғанова Шахноза, Тошкент давлат шарқиунослық университетінің ўқытуучисі, (PhD)

UNITS REPRESENTING WAR MOTIVES IN ANCIENT TURKISH SCRIPTURES

Shakhnoza Tolaganova, Tashkent State University of Oriental Studies teacher, (PhD)

ЕДИНИЦЫ, ПРЕДСТАВЛЯЮЩИЕ ВОЕННЫЕ МОТИВЫ В ДРЕВНЕТУРЕЦКИХ ПИСАНИЯХ

Толаганова Шахноза, преподаватель Ташкентского государственного университета востоковедения, (PhD)



[https://orcid.org/
0009-0006-4395-6143](https://orcid.org/0009-0006-4395-6143)
e-mail:
ninishka12@gmail.com

Аннотация: Үшбү мақолада қадимги түркій битиглардаги стереотип бирликлар хусусида ғап боради. Хусусан, уруш ва унга оид мотивларни ифодалаша құлланған стереотип бирликлар тадқиқт предмети ҳисобланади.

Калып сұлбар: қадимги түркій тил, түркій битиглар, Кул тигин, стереотип бирликлар, уруш мотивлари, асирлик.

Abstract: This article deals with stereotypic units in ancient Turkic writings. In particular, the stereotyped units used in the representation of war and related motives are the subject of research.

Keywords: Old Turkic language, Turkic letters, Kul Tigin, stereotypical units, motives of war, captivity.

Аннотация: В данной статье рассматриваются стереотипные единицы в древнетюркских письменах. В частности, предметом исследования являются стереотипные единицы, используемые при выражении войны и связанных с ней мотивов.

Ключевые слова: древнетюркский язык, тюркские письма, Кул тигин, стереотипные единицы, мотивы войны, плен.

КИРИШ. Қадимги түркій битигларда тарихий воқеалар жонли, образли тарзда баён қилинган. Улар тарихий маълумотлар қаторида қадимги түркій тил ва унга хос лисоний хусусиятларни үзіда акс эттиради. Битигларда муайян воқеа-ходиса ёки ҳолатларнинг баёни берилған ўринларда нисбатан барқарорлашған ифодалар учрайди ва бундай ифодалар қадимги түркій битигларда кечған стереотип бирликлардир. Стереотип бирликлар ўхшатиши, қаршилантириш каби бадиий ифода шакллари орқали баён қилинган. Ритмик – оқанғ жиҳатидан ҳам аллитерация, ритмик-сintaktik параллелизм, такрорга асосланған бадиий воситалар орқали шаклланған. Шу жиҳатдан стереотип бирли-

ларнинг маъно хусусиятлари уларға мурожаат қилишнинг бирламчы омили ҳисобланади.

МУЛОҲАЗАЛАР ВА НАТИЖАЛАР.

Қадимги түркій битигларнинг аксариятида уруш мотивлари мавжуд. Жумладан, Кул тигин, Тұньюқұқ, Мұюн-чұр каби нисбатан йирик ҳажмли битигларда ҳам, Ўнгин каби ҳажман кичик матнли битигларда ҳам жангү-жадаллар, ёвни енгиш, урушлардаги қаҳрамонлайлар баён қилинган. Айни баёнларда ўзаро умумий бўлған сўз, сўз бирикмалари ва жумлалар учраб туради. Шулардан бири **uda bas-** ўйқуда бос- (ғафлатда қолдириш)дир. Ушбу бирлик ёвнинг айнан ухлаб ётган пайтдаги жангни назарда тутмайди. Ёвнинг кутилмаган пайт ва кутилмаган тарафдан қилған ҳужумини ифодалаб келади. Масалан:

Qırqız bodunuğ **uda basdımız**. (Мазмуни: Киркіз халқини күккісдан босдик) (К.35).

Демек, мазкур стереотип бирлик күшиннинг жанговарлиги ва ёвни ғафлатда қолдиришни ифодалайды:

Türgäş bodunuğ **uda basdımız**. (Мазмуни: Тұрғаш халқини күккісдан босдик) (К.37).

«Девону луғати-т-турк»даги мавжуд жангнома шеърларда ҳам ушбу бирликнинг бошқа варианти учрайди:

Tünlä bilä bastimiz,
Mïjlaq erin bičtümiz.

Үйурларга қарши жангни таърифлаб айтмоқда: Тунда босдик, ҳар ёқдан биқиниб кирдик, ҳатто отларининг ёлларини кесдик. Mïjlaq әрларини ўлдирдик¹.

Мисолдан англашилганидек, мазкур бирлик күпинча жангвар ҳолатни ифодалайды. Бирликнинг маъносини зоҳиран талқин қиласидиган бўлсак, бир күшиннинг ёв устига тунда хужум қилгани англашилади. Лекин бу бирлик күпинча бир күшиннинг ёвга күккісдан, ғафлатда қолдириб хужум қилганини ифодалаши билан зоҳирий маъносидан фарқланади.

Жанг тасвирида кўлланадиган яна бир стереотип бирлик отча borča käl- (ўтдай-бўрондай кел-) жумласидир. Otča borča käl- бирлиги битигларда жангвар ҳолатни, урушлардаги күшин шиҷоатини ифодалашда ишлатилади:

Türgäş qağan süsi Bolučuda otča borča kälти, sūnjgüsdimiz (Мазмуни: Тұрғаш хоқон күшини Бўлучуда ўтдай-бўрондай келди, жанг қилдик) (К. 36).

Ушбу бирлик кутилмаган вазиятларни ифодалашга хизмат қиласиди. Ҳозирги кунда ҳам ушбу бирикманинг «бало-қазодай келди» ёки «мўрмалаҳдай ёпирилди» каби варианлари мавжуд.

Ol sabiğ äsidip, sü yoritdim, Altun yışıgi yolsuzunasdım, Ärtis ögüzüg käcigsizin käcdimiz, tün aqitdimiz. Bolučuqa taŋ öntürü tägdimiz (Мазмуни: Ўша хабарни эшишиб, лашкарни йўлга солдим. Алтун йишини йўлсиз ошдим, Эртиш дарёсини кечиксиз кечдик. Бўлучуга тонг оттириб етиб бордик) (Ton.25).

yolsuzun aš- (йўлсиз ош-), käcigsizin käc- (кечиксиз кеч-) бирликлари ғалаба учун

қилинган тинимсиз меҳнат ва мاشаққатни билдиради.

Қадимги туркий битиглар қудратли турк хоқонлигининг қарор топиши, кенгайиши, бу йўлда кечган жангут жадаллар ҳақида ҳикоя қиласиди. Табиийки, бундай матнларда мағлубият ва асир олинган халқ ахволи ҳақидағи тасвиirlар ҳам мавжуд. Масалан, Кул тигин битигида қудратли турк хоқонлиги табғач халқининг ҳийлакорлиги сабабли кўлдан кетгани тўғрисида сўз юритилар экан, турк халқи ўзлигини унтиб, турк отини қўйиб, табғач бекларига қарам бўлгани қўйидаги жумла келтирилган:

Tabғac bodunqa baglik urї oğlin qul bolti, silik qiz oğlin kij bolti (Мазмуни: Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув қиз боласи билан чўри бўлди) (К.7).

Бу жумлада қарамликтининг аянчли оқибатлари ифодаланган. Аслида, битигларда ушбу жумланинг ишлатилишидан кўзланган гоявий-эстетик мақсад бор. Битиг матнини айтиб битирган Билга хоқон уни ўқиғучиларни турк халқининг тарих хатоларидан огоҳлантиради.

Яна бир мисол:

Özi yanjilti, qağanı ölti, **bodunı kij qul bolti** (Мазмуни: Ўзи янглишиди, хоқони ўлди, халқи чўри, қул бўлди) (К.20).

Бу жумлада дастлабки ифода ихчам шаклда келган. Битиглар матни бўйлаб бу каби стереотип бирликлар шаклан ўзгариб, турли варианларда учрайди. Масалан, қўйидаги мисолда баён кенг ва батафсил берилган:

Barduq yärdä ädgüg ol ärinç: qanij subča yükürti, söňüküj taǵča yatdi, baglıq urї oğluj qul bolti, silig qiz oğluj kij bolti bilmädük üçün... (Мазмуни: Борган ерингда эзгулик шу бўлса керак: қонинг сувдай оқди, суюгинг тоғдай (уйилиб) ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди) (К.24).

Юқоридаги сатрлар адашган халқни огоҳлантириш мақсадида берилган ёки адашган халқ тўғрисида маълумот етказиши мақсад қилинган. Айрим ўринларда ушбу стереотип бирлик қаҳрамонларнинг куч-қудратини кўрсатиб беришга нисбатан қўлланган.

Qağansıramiš bodunuğ, **külädmis, quladmis bodunuğ**, türk törüsün içgörmis bodunuğ äcim

¹Махмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи: Қ.Содиқов. Б. 55.

арам тörüsincä yaratmïs, boşgurmïs (Мазмуни:Хоқонини йўқотган халқни, чўрига айланган, кул бўйлган халқни, турк хукмронлигини бой берган халқни отабоболарим йўсунича оёқка тургизибди, бошқарибди) (К.13).

Кўриб ўтган мисолларда бир стереотип бирлик турли вариацияларда (гоҳ қисқариб, гоҳ кенгайиб) келса-да, матн мазмунига путур етказмайди. Шунингдек, стереотип бирлик барқарорлигини ҳам синдиrolмайди. Муҳими стереотип бирлик асосини ташкил этган сўзлар (küj, qul) иштироки барқарор. *Bagliк urï oğlin qul bolti, silik qiz oğlin küj bolti* жумласида чўри, кул бўлувчилар жинси ва айрим сифатлари билан келтирилган бўлса, кейинги ўринда баён қискартирилиб (эллипсис услубида – синтактик стилистик фигуralардан баённи қисқа-лўнда ифодалашни кўзда тутади), *küjädmis, quladmïs bodunuğtarzida beriladi*. Лекин маънода жуда катта фарқ кузатилмайди, чунки küj, qul сўзларининг ўзидан изоҳланаётган шахснинг жинси англашилади.

Кўли-чўр битигида ҳам мазкур стереотип бирлиқдан фойдаланилган:

Sayır çoluğun yağıtuqda (Köli-)çor sançïr olurüp oylin, kisisin bu/o... (Мазмуни: ...Ўзини мард кишилари билан ёв бўлганда Кўли-чўр ...енгиб, ўлдириб, ўғлини, аёlinи асир қи...)

Кўли-чўр Иккинчи турк хоқонлиги даврида яшаб ўтган машҳур кишилардан. Битигда қайд этилишича, Кўли-чўр тардуш элини бошқарган.

Яна бир мисол:

...yılı sülädi, süňüsup, süsin sançdi, elin alti, oylin kisisin bulunad[ip] ... tý...a išbara bilgä Köli-çor (Мазмуни: ...жанг қилиб, лашкарларини санчди, давлатини олди, ўғлини, аёlinи асир олиб... Ишбара билга Кўли-чўр...)

Битигларда *isig-küçüg bir-* (ишини-кучини бер) стереотип бирлиги ҳам икки ғоявий-эстетик мақсадга хизмат қилган. Шулардан бири асир олинган халқ ахволи баёнида:

Türük baglär türük atin iti tabyaçyi baglär atin tuşpan tabyač qayanqa körmis. Älig yıl **isig-küçüg birmis** (Мазмуни: Турк беглар туркча отини кўйиб, табғачлик бекларнинг табғачча отини

қабул қилиб, табғач хоқонга қарам бўлди. Эллик йил меҳнатини, кучини берибди) (К.7).

Мазкур матндағи ажратиб кўрсатилган тил бирлиги хусусида Қ.Содиковнинг қуидаги фикрига қўшилиш мумкин:

Қадимги кўк турк битигларида бу бирикма *isig-küçüg bir-*, яъни «ишини-кучини бермак» шаклида кенг қўлланилган. Поэтик маъноси «меҳнатини сингдирмоқ, кучини бермоқ» дегани. Муҳими шундаки, ушбу стереотип бирикма икки хил ўринда ишлатилади: биринчиси «ёвга бўйинсуниш, унинг меҳнатини қилиш». Бу қарамликнинг аломати².

Ушбу стереотип қуидаги мисолда ҳам қарамликни англатган:

Nä qağanqa **isig, küçüg birür-män?** – tir ärmis. Ança tip tabağac qağanqa yağı bolmïs. Yağı bolup itinü, yaratunu umaduq yana içikmis. Bunça **isig, küçüg birtükgarü saqınmati** «turk bodun olurayıñ, uruğsiratayin» tir ärmis, yoqadu barır ärmis

(Мазмуни: Не хоқонга меҳнатимни, кучини беряпман?» – дер экан. Шундай деб табғач хоқонига ёв бўлиби. Шунча меҳнатини, кучини берганига андиша қилмай (табғач хоқони) «турк халқини ўлдирайин, уругини қирайин» дер экан. Уни йўқотиб бораётган экан) (К. 9,10,11).

ХУЛОСА қилиб айтганда, қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликлар контекст мазмунини маромига етказиб ифодалаб беради. Шунинг учун ўхшаш вазиятларда қўллаш учун тил эгалари хотирасида тайёр материал сифатида сақланади. Стереотип бирликларни маъно жиҳатидан бир неча гурӯхларга ажратиш мумкин. Бунда асосий эътибор, стереотип бирликлардан англашилаётган дастлабки ахборотга эмас, балки поэтик маъно-мазмунига қаратилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Махмуд Кошғарий. Девону лугати-т-турк. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи: Қ.Содиков. – Тошкент: Faafur Гулом, 2017.
- 2.Содиков Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этнолингвистик жараёнлар. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 318.
- 3.Содиков Қ. Эски туркий битиглар. – Т.: ТошДШИ, 2009.

²Содиков Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 318.